

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЯЗДОНОВ УЛУҒБЕК ТОШМУРОТОВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ
ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2017

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Яздонов Улуғбек Тошмуротович

Глобаллашув шароитида жамоатчилик фикрини
шакллантириш институтларининг функционал
интеграциялашув
хусусиятлари.....3

Яздонов Улуғбек Тошмуротович

Особенности формирования функциональной интеграции институтов
общественного мнения в условиях
глобализации.....17

Yazdonov Ulug'bek Toshmurotovich

The functional integration characteristics of the institutions specialized in
formation of public opinion in globalization
period.....31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of publications
Список опубликованных работ.....35

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЯЗДОНОВ УЛУҒБЕК ТОШМУРОТОВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ
ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2017

3

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 30.09.2014/В2014.3-4.Ф17 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Мамашокиров Саидмурод фалсафа фанлари доктори,
профессор

Расмий оппонентлар: Чориев Санжар Анварович фалсафа
фанлари доктори

Бекмуродов Мансур Бобомуродович
социология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-кават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

А.А.Азизқулов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

4

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертациямавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рўй бераётган ахборотлашув жараёнининг ўта интенсивлашиб, унинг жамиятдаги бунёдкор аҳамияти тараққий этаётгани билан бир қаторда, мазкур ахборотларнинг жамоатчилик фикрининг ўзгаришига, унинг жамият, давлат манфаатларидан бегоналашиб, унга негатив, конформистик ёндашувига ҳам сабаб бўлмоқда¹. Халқаро социологик ташкилотларнинг хулосаларига кўра, ривожланган мамлакатларда ОАВ билан жамоатчилик фикри ўртасида, жамоатчилик фикри билан реал воқелик ўртасида зиддиятли муносабатлар қайд этилмоқда ва айни пайтда жамоатчилик фикрининг миллий манфаатларга нисбатан конформистик муносабати кўзга ташланмоқда². Шу нуқтаи назардан, мазкур феноменни шакллантирувчи институтлар фаолияти ўртасидаги функционал интеграциялашув жараёнини илмий тадқиқ қилиш жаҳонда фалсафий социологик тадқиқотларнинг долзарб тадқиқот мавзусига айланмоқда.

Ўзбекистон мамлакатни ислоҳ қилишнинг ўзига хос йўналиши, яъни халқ учун муносиб яшаш шароитини таъминлаш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, очик фуқаролик жамиятини шакллантириш ва демократик ўзгаришларни амалга ошириш стратегиясини белгилаб, «Бар қарор бозор иқтисодиёти, очик ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятигина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланиши, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши»³га йўл очди. Мазкур соҳалар давлатнинг бош ислохотчилиги остида ривожлантирилиб, назорат қилиниб, жамиятнинг барча соҳаларида тизимли чора-тадбирлар амалга

оширилди ва натижада жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда эътироф этилаётганидек⁴, юртимиз жиддий ютуқларга эришди: сўнгги 11 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланмоқда⁵, БМТ ҳомийлигида «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» мавзусида ўтказилган тадқиқотда Ўзбекистон дунёнинг 158 давлати орасида 44-ўринни эгаллади⁶. Булар давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар нақадар самарадор кечаётганини кўрсатади ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг жамоатчилик фикри билан ҳамоҳанг кечаётганини тасдиқлайди, аммо дунёнинг турли

¹<http://vladimirshlapentokhrussian.wordpress.com>

²http://psyjournals.ru/sociosfera/2010/n4/35952_full.shtml

³Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.39.

⁴<http://senat.uz/uz/news/2016/15-01.html>

⁵Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи//Халқ сўзи. 2016 йил 9 сентябрь, № 179 (6614).

⁶Каримов И.А. Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари//Халқ сўзи. 2016 йил 16 январь, № 11 (6416).

нуқталарида фаолият олиб бораётган ОАВ мамлакатимиз ахборот фазосига ҳам босим ўтказиб, жамоатчилик фикрини муайян даражада деформацияламоқда. Бу жараённи ижобий томонга бошқариш учун жамоатчилик фикрини шакллантирувчи институтлар фаолиятини мувофиқлаштириш механизмларини ўрганиш зарурияти туғилмоқда. Жаҳон миқёсида глобал муаммолар ечимида геосиёсий жараёнларни бошқариш ва барқарорлаштириш, халқаро муносабатларда диний бағрикенглик ва миллатлараро ҳамкорликни кучайтириш, миллий ва умумбашарий хавфсизликни таъминлаш йўналишида жамоатчилик фикрини ривожлантириш, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи институционал тизим интеграциясини бошқариш асосида, тадқиқот усул ва воситаларининг самарадорлик даражасини (рентабеллигини) математик моделлаштириш ҳамда олинган натижаларни илмий башорат қилишнинг аҳамияти кучаймоқда. Бу ҳам мазкур диссертация мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1791-сонли «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йилдаги 07/02-08-1-сонли «Маданий-маърифий ва тарғибот ишларини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари режаси»ни, Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта

устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий ҳодиса сифатида жамоатчилик фикрини: ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш муаммосини тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов асарлари ва маърузаларидаги концептуал ғоялар жамоатчилик фикри феноменини шакллантириш ҳамда ривожлантиришни ўрганишда илмий назарий, методологик асос бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, жамоатчилик фикри ҳақида аجدодларимиз томонидан илгари сурилган концептуал назариялар мазкур феноменни комплекс-системали таҳлил этишда муҳим манба бўлди. Хусусан, Абу Наср Форобийнинг «Ас-сиёсат-ул-мадания»,

«Фозил шаҳар аҳолисининг маслағи»; Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий

6

Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»; Амир Темурнинг «Темур тузуклари»; Мавлоно Муҳаммад Қозининг «Ҳукмдорга ўғитлар»; Аҳмад Донишнинг «Наводир-ул-вақое» ва бошқа нодир тарихий манбалар шулар жумласидан.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва тизимли шакллантириш борасида, қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Р.А.Убайдуллаева, М.Б.Бекмуродов, М.Х.Ганиева, О.Ота Мирзаев, Ў.К.Қаюмов ва бошқалар жамоатчилик фикрини ўрганишда социологик тадқиқотлар йўналишидан бораётган бўлса, О.Ўсаров, С.Бердиқуловнинг тадқиқотларида жамоатчилик фикри шаклланишида сиёсий партияларнинг роли борасида фикрлар билдирилган, А.Муминов, Н.Қосимова, Г.Бобожонова, Л.Исломова, А.Жалилов асарларида жамоатчилик фикрини шакллантиришда ОАВнинг ўрни масаласи муайян даражада ўрганилган. Жамоатчилик фикрини шакллантириш, бошқариш ва назоратини ҳуқуқий таъминлаш масалалари бўйича А.И.Саидов, Э.Ж.Икромов, Н.Умарова, У.Ислombeков тадқиқот олиб боришмоқда. Шу билан бирга, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан «Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари (назария, амалиёт ва услубият)» мавзусида доимий илмий-амалий семинарлар ташкиллаштириб келинмоқда.

Хорижлик олимлардан Elisabeth Noelle-Neumann, Gabriel Tarde, Walter Lippmann, Ambrose Akor, Marta Axner, Pauline Aarten, Shira Dvir Gvirsman ушбу феноменнинг, кенг қамровли тадқиқот объекти сифатида, умумий

жиҳатларини тадқиқ этишган бўлса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги худуди олимларидан Д.П.Гавра, Г.Г.Почепцов, Ю.П.Сурмин, Е.В.Тихонова, М.Г.Федотова, П.Г.Висханова, М.А.Галимова, Б.А.Седлецкий, С.В.Гришанова, А.В.Сивоконь, О.Б.Божков ва бошқа тадқиқотчилар томонидан масаланинг хусусий жиҳатлари ўрганилган.

Булардан ташқари, бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлар, касаба уюшмалари фуқароларнинг қизиқиш ва манфаатларини ифода эта оладиган ихтиёрий бирлашмаларга айланиб, давлат ҳокимияти ва халқ ўртасидаги воситачи институт сифатида шаклланимоқда. Бироқ уларнинг жамоатчилик ва давлат ўртасидаги муносабатлар механизми ҳамда услублари жамоатчилик фикрини тўла шакллантириш, ўрганиш ва таҳлил қилиш учун етарлича асос бўла олмайди. Шу боис, тадқиқот ишида жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг ғоявий-назарий, методологик асосларини ишлаб чиқиш, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи институтлар фаолиятини функционал интеграциялаш ва ижтимоийлаштириш хусусиятларини ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш ҳамда асослаб бериш кўзда тутилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишларининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган «Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури» доирасида бажарилган.

7

Тадқиқотнинг мақсади жамоатчилик фикрини шакллантирувчи институтлар фаолиятини функционал интеграциялаштириш ва математик моделларини такомиллаштиришга доир тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жамоатчилик фикри шаклланишининг объектив сабабларини, субъектив омилларини, ҳаракатлантирувчи мотивлари ва механизмларини аниқлаш;

ҳозирги даврда жамоатчилик фикрининг тарихий заруриятини, унинг самарадорлигини таъминлаш асослари ва потенциал имкониятларини кўрсатиш;

жамоатчилик фикрини шакллантирувчи институтларнинг стратегик вазифалари ва йўналишларини функционал интеграциялаштириш тенденциясини асослаш;

жамият тараққиётида муҳим омил бўлган жамоатчилик фикрининг ривожланиш қонуниятларини ва намоён бўлиш хусусиятларини комплекс системали ўрганиш;

Ўзбекистонда жамоатчилик фикрининг: ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш функцияси ва имкониятларига дифференциал ёндашиш тамойилларини аниқлаш;

мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ислохотларида «бешинчи ҳокимият»

сифатида жамоатчилик фикридан фойдаланиш муаммолари ечимига доир конструктив амалий таклифлар бериш;

математиканинг «корреляцион», «интеграл баҳолаш», « χ^2 мезони» ва «рентабеллик даражаси»ни аниқлаш методидан фойдаланиб, жамоатчилик фикрининг самарадорлик индексини аниқлаш ҳамда моделини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини шакллантириш институтларининг функционал интеграциялашув жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети жамоатчилик фикрини шакллантиришни тизимли бошқариш ва назорат қилиш институционал тизими элементларининг функционал интеграциялашувини илмий асослаш билан белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, таққослаш, корреляция ва умумлаштириш, моделлаштириш, абстрактлаштириш, қиёсий типологик, факториал таҳлил, социометрик (сухбат, анкета, тест, интервью) каби усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг объектив шарт шароитлари ва субъектив омиллари ўртасидаги корреляцион алоқадорлик (миқдор ва сифат ўзгаришлари динамикаси) асосланган;

жамоатчилик фикри шаклланишига таъсир этувчи омиллар математик моделлаштирилиб: «корреляция»^{*}, « χ^2 мезони»^{**}, «интеграл

^{*} Жамоатчилик фикри шаклланишига таъсир этувчи омиллар орасидаги боғлиқлик.

8

баҳолаш»^{***}, «рентабеллик даражаси»ни^{****} қўллашнинг самарадорлиги (алоҳида омилларининг аҳамиятлилиқ коэффициентлари, ўзгариши ва боғлиқлик кучи) исботланган;

жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг стратегик вазифаларини белгилаш ва истиқболларини прогнозлаштиришга жавобгар институтлар фаолиятини ташкиллаштириш, бошқариш ҳамда назорат қилиш методологиясини (миллий ментал, индивидуал-корпоратив хусусиятларига дифференциал ёндашув) такомиллаштиришга доир тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат: жамоатчилик фикрини шакллантирувчи институционал тизимни интеграциялаштиришнинг жамият ва давлат тараққиётидаги ролини оширишга доир илмий-назарий хулосалар умумлаштирилган ҳамда конкретлаштирилган;

«жамоатчилик фикри» феноменининг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари, объекти ва субъекти, институтлари фаолиятини янада ривожлантириш каби прагматик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш

маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг миллий, минтақавий фаолиятини бошқариш ва назорат қилишни оптимал ташкиллаштириш усуллари ҳамда воситаларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жамоатчилик фикрини шакллантирувчи институтционал тизими элементларининг функционал интеграциялашувни ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мамлакатимизда жамоатчилик фикрини тизимли ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

жамоатчилик фикри шаклланишининг объектив шарт-шароитлари, субъектив омиллари ўртасидаги корреляцион ва диалектик алоқадорлик мавжудлиги кўрсатилган тавсиялардан Маданият ва спорт ишлари

** Жамоатчилик фикри шаклланишига таъсир этувчи омилларнинг самарадорлик коэффициенти ва мезонларини аниқлаш ҳамда баҳолаш.

*** Жамоатчилик фикри самарадорлигини аниқлашда алоҳида омилларнинг аҳамиятлилики коэффициенти ва унинг умумий йиғиндисини аниқлаш.

**** Жамоатчилик фикрининг шаклланиш, ривожланиш ва уни ўзгартириш жараёнининг рентабеллик даражасини аниқлаш имконияти.

9

вазирлигининг 2016 йилга мўлжалланган иш режасининг иккинчи, тўртинчи бўлимининг 7, 10-бандларини бажаришда фойдаланилди (Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2016 йил 15 ноябрдаги 01-11- 14-6196-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар 2016-2018 йилларга мўлжалланган маданий-маърифий ва тарғибот ишлари умуммиллий Концепциясига сингдирилиб, жамоатчилик фикри шаклланивчи институтлар структурасини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқишда хизмат қилди;

жамоатчилик фикри шаклланишига таъсир этувчи омиллар математик моделлаштирилиб: «корреляция», « χ^2 мезони», «интеграл баҳолаш», «рентабеллик даражаси»ни қўллашнинг самарадорлигини кўрсатиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг илмий тадқиқотларида (2013, 2014, 2015, 2016) фойдаланилди («Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2016 йил 28 ноябрдаги 01-16/400-сонли маълумотномаси). Шунингдек, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан олиб борилган қатор тадқиқотларни системали таҳлил қилишда самарали фойдаланилди (Фуқаролик жамияти

шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2016 йил 14 ноябрдаги 01/726-сонли маълумотномаси). Муаллиф тавсия қилган математик моделлар марказ ва институтнинг жамоатчилик фикрини ўрганишга доир ўтказилган социологик тадқиқотларни комплекс-системали ва факториал таҳлил этишда қўллаш, илмий тадқиқотларнинг методологик такомиллашувига ҳамда иш самарадорлигини оширишга имкон берди;

жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг стратегик вазифаларини белгилаш ва истиқболларини прогнозлаштиришга мутасадди институтлар фаолиятини ташкиллаштириш, бошқариш ҳамда назорат қилиш методологиясини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият тарғибот марказининг 2015 йилга мўлжалланган иш режасининг 1.5, 1.12 бандлари, шунингдек, «Кексаларни эъзозлаш йили» давлат дастурининг 37, 38, 41, 56, 57, 66-бандлари ижросини таъминлашда фойдаланилди (Республика Маънавият тарғибот марказининг 2016 йил 7 ноябрдаги 01/05-684-сонли маълумотномаси). Диссертацияда илгари сурилган илмий-назарий ғоялар ҳамда амалий таклифлар марказнинг тарғибот ва ташвиқот ишлари функцияси таркибига кирувчи: жамоатчилик фикрини шакллантириш институтларининг функционал-интеграциялашув хусусиятларини, яъни уларнинг ўзгарувчанлик, мослашувчанлик динамикаси ва таъсир этувчи омилларни аниқлашида амалий кўмак берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация

10

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола (9 та республика ва 7 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва жадваллардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг «**Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг илмий**

назарий ва методологик асослари» деб аталган биринчи бобида мазкур феномен шаклланиши фалсафа фанининг объективлик ва субъективлик, ижтимоий макон ва тарихий замон, алоҳидалик, махсуслик ва умумийлик, сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса, шакл ва мазмун, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик каби категориялар нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Диссертацияда жамоатчилик фикри феноменининг жамият тараққиётига таъсири, муайян миқдор ва сифат кўрсаткичларида намоён бўлиши, ушбу ижтимоий ҳодиса шаклланишига ва функциясига асос бўладиган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар тизимининг миқдор ва сифат ўзгаришлари динамикаси муқаррар равишда математик корреляцион алоқадорлик қонуниятларига бўйсунishi асослаб берилган. Бу алоқадорликни янада кучайтириш учун, жамиятнинг тадрижий ўзгаришлари натижасида сайқаллашиб боровчи жамоатчилик фикри субъектларини, хусусан, институционал тизимни янада ривожлантириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Жамоатчилик фикрининг илмий-назарий асослари таҳлил қилинган биринчи боб хулосалари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи мотивлари, ҳаракатлантирувчи механизмлари ва институционал тизимининг ташкилий-функционал структураси жамият тараққиёти эҳтиёжларидан келиб чиқади ва унинг манфаатларига мос бўлади.

Иккинчидан, жамоатчилик фикрининг: оммавий, корпоратив, элитар ва умуминсоний характери, ижтимоий макон ва тарихий замон хусусиятлари социал табақалар, ижтимоий бирликлар манфаатларига, адекват йўналишларга ажралиши уларни муқобиллаштиради.

Учинчидан, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи институтлар самарадорлиги, «рентабеллиги» билан жамият барқарор тараққиёти

11

ўртасида корреляцион алоқадорлик мукамал коммуникация ва трансформация воситаларини, юксак интеллектуал салоҳиятни тақозо қилади.

Тўртинчидан, муайян халқ, миллат маънавий эҳтиёжларига, умум инсоният цивилизацияси манфаатига мос глобал жамоатчилик фикрини шакллантиришга оид муқобил илмий назарияларни, миллий тажрибаларни умумлаштириш, унинг нисбатан универсал таълимотларини яратади.

Бешинчидан, жамоатчилик фикри шахс, жамият ва давлат фаолиятини назорат қилишнинг оммавий усули бўлиб, уни демократик тамойилларга кўра ташкиллаштириш, бошқариш ва мақсадга мувофиқ йўналтириш давлат ва фуқаролик институтлари миссияси таркибига киради.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини шакллантирувчи институтларнинг функционал интеграциялашуви»** деб номланган.

Тадқиқотнинг ушбу қисмида жамоатчилик фикрига таъсир этувчи омилларининг ривожланиш даражалари ва йўналишларига кўра классифи

кациясида: 1) **локал** (маҳаллий, маълум ареалда чегараланган); 2) **регионал** (вилоятлар гуруҳи ёки мамлакатлар миқёсида); 3) **глобал** (планетар ижтимоий фазо хусусиятларига кўра) туркумлаштириш, уларни функционал конкретлаштиришга хизмат қилиши белгиланган. Шунингдек, жамоатчилик фикри шаклланиувчи объектлар: оила-маҳалла-мактаб-лицей коллеж-олий таълим, меҳнат жамоаси-нодавлат нотижорат ташкилотлар сиёсий партиялар-оммавий ахборот воситаларининг функционал интеграциялашув хусусиятлари ва тенденциялари асослаб берилган. Хусусан:

1) жамоатчилик фикри феноменида корреляцион боғлиқлилик индекси:

$$r_{xy} = \frac{\sum (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum (x_i - \bar{x})^2 \sum (y_i - \bar{y})^2}}$$

$$r_{xy} = \frac{\sum (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum (x_i - \bar{x})^2 \sum (y_i - \bar{y})^2}}$$

2) кўрсаткичларни интеграл баҳолаш коэффициенти:

$$K = \frac{\sum (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum (x_i - \bar{x})^2 \sum (y_i - \bar{y})^2}}$$

$$K = \frac{\sum (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum (x_i - \bar{x})^2 \sum (y_i - \bar{y})^2}}$$

мезонларнинг ривожланиш динамикаси:

$$K = \frac{\sum (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum (x_i - \bar{x})^2 \sum (y_i - \bar{y})^2}}$$

$$K = \frac{\sum (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum (x_i - \bar{x})^2 \sum (y_i - \bar{y})^2}}$$

12

$$3) \chi^2\text{-мезони: } \chi^2 = \frac{\sum (x_i - \bar{x})^2}{\sum (x_i - \bar{x})^2} = \frac{\sum (x_i - \bar{x})^2}{\sum (x_i - \bar{x})^2}$$

узуллари ёрдамида: $\chi^2 = \frac{\sum (x_i - \bar{x})^2}{\sum (x_i - \bar{x})^2}$

биринчидан, мавжуд жамоатчилик фикрини шакллантирувчи институтларнинг ўзаро функционал интеграциялашуви;

иккинчидан, бу жараённи ривожлантиришнинг «рентабеллик» даражаси:

Σ

$\Sigma \Sigma$ аниқланган;

учинчидан, кўрсатилган ушбу усуллардан фойдаланишнинг самарадорлигини белгиловчи таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Иккинчи бобнинг назарий-методологик ва праксиологик хулосалари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи оила, маҳалла ва бошқа ўз-ўзини локал ташкиллаштиришга, бошқаришга мутасадди ижтимоий фуқаролик институтларининг функционал интеграцияси унинг оммавий трансформатори ҳисобланади.

Иккинчидан, таълим-тарбия тизими муассасаларида оммавий жамоатчилик фикрининг элитар ва корпоратив контурлари шаклланиб, унга нисбатан илмий-амалий муносабат кўникмалари вужудга келади ҳамда шахс индивидуал позициясини намоён қилади.

Учинчидан, математик корреляцион методини қўллаб, жамоатчилик фикри шаклланишига таъсир қилувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар тизими интеграциясини таҳлил қилиш, унинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари индексини аниқлашга хизмат қилади.

Тўртинчидан, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи субъектлар фаолияти самарадорлиги ва «рентабеллик» даражаси билан унинг институтлари функционал дифференциацияси ҳамда интеграцияси жараёнлари ўртасида корреляцион алоқадорлик мавжуд.

Бешинчидан, жамоатчилик фикри шаклланишига таъсир этувчи муайян объектив шарт-шароит ва субъектив омилнинг детерминлаштирувчи ролини аниқлашда, математик хи-квадрат критерий услуги, ижтимоий ҳодисаларни билишда нисбатан универсал ва конкретдир.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ривожлантиришнинг амалий масалалари»** деб номланган бўлиб, дунёда, хусусан, мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш тажрибалари ҳокимиятнинг бўлиниши ва уларнинг давлат ва жамият бошқарувида субординациясини ҳам, координациясини ҳам қонунларда, қонуний-ҳуқуқий норматив ҳужжатларда регламентлаштириб борилаётгани кўрсатилган.

Диссертацияда ҳар қандай жамиятнинг ривожланиш даражаси ҳам, характери ҳам, унинг ижтимоий-сиёсий муносабатларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишда акс этиши, унинг институционал структураси ва усул-воситаларида намоён бўлиши асослаб берилган. Шу жумладан, жамоатчилик фикрининг, муайян ижтимоий фазо ва тарихий вақтда таъсир

этиш имкониятлари, унинг ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш институтлари фаолиятига, улар қўллаётган усул-воситалар ривожланишига боғлиқлиги ва қандай даражада ёки йўналишда бориши айнан шу масала ечимининг концептуал илмий назариясини амалга ошириш усул-воситаларини, методологиясини аниқлаш, амалиётда қўллаш билан белгиланиши исботланган.

Шу нуқтаи назардан, жамоатчилик фикри шаклланишини: ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш усул-воситаларини, механизмларини, технологиясини «горизонтал» ва «вертикал» йўналишларда туркумлаштириш мақсадга мувофиқ.

Учинчи бобнинг илмий муаммолари таҳлилидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

Биринчидан, давлат жамият қурилишига таъсир қилувчи жамоатчилик фикрини детерминлаштирувчи омилларга, уларнинг ролини ошириш имкониятларига дифференциал-факториал ва комплекс-системали ёндашувлар уйғунлиги назарий хулосалар илмийлигини таъминлайди.

Иккинчидан, жамият ва давлат бошқарувини демократиялаштиришда жамоатчилик фикри ролини ошириш унинг субъектлари конституцион эркинлигининг маънавий, ҳуқуқий асосларини, мафкуравий майдонини, ахборот трансформацияси технологиясини яратишга боғлиқ бўлади.

Учинчидан, жамиятни ташкил қилган ижтимоий бирликларнинг ўзаро манфаатдорликка асосланган жамоатчилик фикрлари интеграцияси унинг тор мақсадлар доирасидаги эгоистик, утилитар ва меркантил жиҳатларини истисно қилади ва самарадорлигининг ошишига сабаб бўлади.

Тўртинчидан, муқобил жамоатчилик фикрларини, демократик ва толерантлик тамойилларига кўра, ўзаро муросага келтириш уларнинг объектлари ва субъектлари интеграциясини умумий мақсад асосида ташкиллаштирувчи ва бошқарувчи давлат сиёсатини тақозо қилади.

Бешинчидан, жамият ва давлатнинг оптимал-рационал тараққиётини детерминациялаштирувчи омиллари билан реал жамоатчилик фикри ўрта сидаги корреляцион алоқадорлик қонуниятлари таҳлилига комплекс системали ёндашиш тамойили башоратлар илмийлигини таъминлайди.

1. Жамоатчилик фикри феноменининг шаклланиши муайян жамият, халқ, миллат, давлат тараққиёти асоси ва натижаси сифатида объектив ҳодиса бўлиб, уларнинг мақсадлари, эҳтиёжи, манфаатлари ривожланиш даражасига адекват бўлади ҳамда умуминсоний характерга эга.

2. Ҳозирги ахборотлашув жамиятида жамоатчилик фикрининг горизонтал ва вертикал йўналишларда дифференциаллашуви ҳамда интеграциялашуви қонуниятлари, трансформация инфраструктураси, коммуникациялари технологияси ривожланиши, унинг глобаллашув тенденциясини белгилаб бермоқда.

3. Жамият эҳтиёжлари, манфаатлари – оммавий, корпоротив, элитар ва умуминсоний жамоатчилик фикрининг шаклланиш мотивлари, ҳаракат лантирувчи механизмлари, трансформация институтлари элементлари функциялари ижтимоий фазо ва тарихий вақт хусусиятларига мос муқобил йўналишлар ажралишига олиб келади.

4. Глобал жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг умуминсоний мақсадга мувофиқлиги тамойилига кўра: миллий, ҳудудий, минтақавий манфаатларни интеграциялаштирувчи институционал тизим элементлари фаолияти «рентабеллиги» ва жамият барқарор тараққиёти ўртасида корреляцион алоқадорлик объективлиги, субъектив омиллар комплексини истисно қилмайди.

5. Муайян халқ, миллат маънавий эҳтиёжларига, манфаатларига мос: маҳаллий, миллий ва минтақавий жамоатчилик фикрини шакллантиришга оид муқобил илмий назариялар, миллий тажрибалар таҳлили, унинг миллий-маҳаллий локал, регионал, глобал жиҳатлардан идентификациялаштирувчи фарқлар нисбий ва шартлилигини кўрсатади.

6. Жамоатчилик фикрининг оммавий трансформатори бўлган таълим тарбия тизимида ижтимоий-элитар ва хусусий-корпоротив фикр чизиқлари шаклланиб, уларга нисбатан илмий тушунчалар аппарати, амалий муносабат кўникмалари вужудга келади ҳамда шахс индивидуал позициясини конкретлаштиради.

7. Жамоатчилик фикрини шакллантирувчи институтлар фаолиятини ва шаклланувчи ижтимоий объектларини функционал интеграция лаштиришга таъсир қилувчи объектив шарт-шароитлар ва детерминаллаштирувчи субъектив омиллар тизимининг сифат ва миқдор кўрсаткич индекслари ўртасидаги корреляцион алоқадорликни математик методлар ёрдамида моделлаштириш унинг ривожланиш тенденциясини аниқлашда, истиқболини башорат қилишда назарий, методологик ва амалий аҳамиятга эга.

8. Давлат ва жамият қурилишида миллий, оммавий, корпоратив, элитар жамоатчилик фикрининг ролини ошириш, уларнинг индивидуал потенциал имкониятларига дифференциал-факториал ва комплекс системали ёндашувлар уйғунлигини тақозо қилади.

9. Жамият ижтимоий бирликларининг жамоатчилик фикри индивиду аллиги, уни шакллантирувчи институтлар умумий мақсад-манфаатлари уй

ғунлигини истисно қилмайди. Аксинча, уларнинг интеграцияси, тор мақсадлар доирасидаги индивидуализм, эгоцентризм, этноэгоцентризмга асосланган утилитар ва меркантил манфаатларининг турли усул воситалардан фойдаланиб, бартараф қилишни тақозо қилади.

**ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

ЯЗДОНОВ УЛУГБЕК ТОШМУРОТОВИЧ

**ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ
ИНТЕГРАЦИИ ИНСТИТУТОВ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ В
УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № 30.09.2014/B2014.3-4.F17

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице samdu.uz, по адресу www.ziyounet.uz информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

Научный консультант: Мамашокиров Саидмурод доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты: Чориев Санжар Анварович доктор философских наук

Бекмуродов Мансур Бобомуродович
доктор социологических наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2017 г. в ____ часов на заседании ученого совета DSc.27.06.2017.F.02.02 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самаркандский государственный университет Исторический факультет, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под №___). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года.
(протокол реестра № ___ от «___» _____ 2017 года).

Б.О.Тураев

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.н., профессор

А.А.Азизкулов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.ф.н.

С.А.Чориев

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.ф.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Несмотря на чрезмерную интенсификацию процесса информатизации в мире, наряду с развитием его созидательного значения для общества, именно информация становится причиной изменения общественного мнения, его отчуждения от интересов общества, государства и негативного, конформистского подхода к ним⁷. Согласно выводам международных социологических организаций, в развитых странах отмечаются противоречивые отношения между СМИ и общественным мнением, общественным мнением и реальной действительностью, и в то же время бросается в глаза конформистское отношение общественного мнения к национальным интересам⁸. С этой точки зрения научное исследование процесса функциональной интеграции между деятельностью институтов, формирующих данный феномен, становится актуальной темой для философско-социологических исследований во всем мире.

Узбекистан, определив свой собственный путь реформирования страны, то есть обеспечение достойных условий жизни для народа, вхождение в ряды развитых демократических стран, формирование открытого гражданского общества и стратегию осуществления демократических изменений, открыл путь для «стабильной рыночной экономики, основанной на открытой внешней политике сильного демократического правового государства и гражданского общества, которые могут обеспечить достойные условия жизни для народа, гарантировать его права и свободы, обеспечить восстановление национальных традиций и культуры, духовно-нравственное совершенствование человека как личности»⁹. Данные сферы развивались, контролировались государством – главным реформатором, во всех сферах общества предприняты систематические меры и в результате, как справедливо признается мировым сообществом,¹⁰ наша страна добилась серьезных достижений: в течение последних 11 лет темпы среднегодового роста валовой продукции сохраняются на уровне не менее 8 процентов¹¹, Узбекистан в рейтинге «Самые счастливые страны мира», составленного при поддержке ООН, занял 44 место среди 158 стран мира¹². Все это показывает насколько эффективно осуществляются реформы, проводимые нашим государством, и подтверждает, что осуществляемые в Узбекистане реформы протекают в созвучии с общественным мнением, однако СМИ,

⁷<http://vladimirshlapentokhrussian.wordpress.com>

⁸http://psyjournals.ru/sociosphaera/2010/n4/35952_full.shtml

⁹Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.39.

¹⁰<http://senat.uz/uz/news/2016/15-01.html>

¹¹Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи//Халқ сўзи. 2016 йил 9 сентябрь, № 179 (6614).

¹²Каримов И.А. Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари//Халқ сўзи. 2016 йил 16 январь, № 11 (6416).

осуществляющие свою деятельность в различных точках мира, оказывают давление и на информационное пространство, что в определенной мере деформирует общественное мнение. Необходимо направить данный процесс в положительное русло, а это, в свою очередь, предполагает необходимость изучения механизмов координации, согласования деятельности институтов, формирующих общественное мнение.

Управление и стабилизация геополитических процессов, усиление международной религиозной толерантности и межнационального сотрудничества, обеспечение национальной и общечеловеческой безопасности в процессе решения глобальных проблем в мировом масштабе усиливает значение математического моделирования уровня эффективности (рентабельности), методов и средств исследования и научного прогнозирования результатов на основе развития общественного мнения, управления интеграцией институциональной системы, формирующей общественное мнение. Это также свидетельствует об актуальности темы данной диссертации.

Данное диссертационное исследование в определенной мере послужит делу претворения в жизнь задач, определяемых Указом Президента Республики Узбекистан № 07/08 «Об улучшении правового воспитания, повышении уровня правовой культуры населения, совершенствовании системы подготовки юридических кадров и состоянии изучения общественного мнения», Постановлением Кабинета министров Республики Узбекистан № 07/02-08-1 2016 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию организации культурно-просветительской и пропагандистской работы», «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», разработанной Президентом Узбекистана Ш.М. Мирзиёевым, а также предусмотренных другими нормативно-правовыми документами, касающимися данной сферы деятельности.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления I. «Духовно-нравственное и культурное развитие, формирование инновационной экономики демократического и правового государства».

Степень изученности проблемы. Исследование общественного мнения как социального феномена, его организации, управление и контролирование имеет важное научно-практическое значение. Научно-теоретической и методологической основой исследования изучения формирования и развития общественного мнения послужили концептуальные положения, сформулированные в произведениях и

выступлениях Первого Президента страны Ислама Каримова. Концептуальные теории об общественном мнении, выдвинутые в трудах наших великих предков, также послужили источником для осмысления и легли в основу комплексно-системного анализа данного феномена. В частности такими источниками явились «Ас-сиёсат-ул-мадания»,

20

